



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

«Навоий ИЭС» АЖ

Бош директори

Қ.Х.Ганиев

08.01.2020 йил

2019 йилни 12 ойи давомида «Навоий ИЭС» АЖга келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши ва сайёр қабуллар ўтказиш ҳолатлари бўйича ўтказилган ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили бўйича
М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига асосан «Навоий ИЭС» АЖга 2019 йилнинг 12 ойи давомида келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши, сайёр қабуллар ўтказилиш ҳолатлари бўйича ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили ўтказилиб, қуйидагилар аниқланди.

2019 йилни 12 ойида “Навоий ИЭС” АЖга жами бўлиб 179та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 88таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 73таси ёзма шаклдаги, 18таси электрон мурожаатларни ташкил қилади.

179та мурожаатлардан 174таси жисмоний шахсларнинг мурожаатлари, 5таси юридик шахсларнинг мурожаатлари.

2018 йилнинг 12 ойи давомида “Навоий ИЭС” АЖга жами бўлиб 213та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 70таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 109таси ёзма шаклдаги, 34таси электрон мурожаатларни ташкил қилади.

Шундай қилиб 2019 йил даврида 2018 йилга қараганда **умумий мурожаатлар сони 34тга, яъни 16%га камайган.**

2019 йилда қабул қилинган ва кўриб чиқилган 88та оғзаки шаклдаги мурожаатлардан Бош директор Қ.Х.Ганиев ҳиссасига 70та, Бош директор ўринбосарлари ҳиссасига 18та оғзаки мурожаат келиб тушмоқда.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган 18та мурожаатлардан барча 18 таси маълумотнома тузиш вақтида кўриб чиқилган, 16таси бўйича тушунтиришлар берилган, 2таси қаноатлантирилган, рад этилган мурожаатлар қайд қилинмаган.

2019 йилда “Навоий ИЭС” АЖга келиб тушган 179 мурожаатлардан 29таси қаноатлантирилиб, 150таси бўйича тушунтириш берилган.

2019 йилни 12 ойи давомида мурожаатлар билан ишлаш юзасидан ўтказилган ўрганишлар сони 2тани ташкил қилиб, 3та камчилик аниқланганлиги сабабли тегишли ходимга моддий жазо турлари қўлланилган.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича ўтказилган семинар ва ўқув машғулотлар сони 2тани ташкил қилиб, 2019 йилни феврал ва апрел ойларида ўтказилган семинарлардир ва ушбу тадбирда Станциянинг тегишли масъул ходимлари иштирок этишган.

Тизимда энг кўп мурожаатлар тушаётган масалалар бўйича ўтказилаётган таҳлиллар сони 2тани ташкил қилиб, таҳлиллар давомида кўтарилган долзарб масала бу Кармана тумани ва Навоий шаҳри худудида охириги йилларда иссиқхоналар сони ва майдонлари кўпайганлиги сабабли Навоий шаҳри аҳолиси ва ижтимоий соҳа объектларини куз-киш мавсумида кафолатли иссиқлик таъминотини ташкиллаштириш билан бир вақтнинг ўзида ушбу иссиқхоналарни ҳам етарли равишда иссиқлик энергиясини билан таъминлашни техник имконияти йўқлиги туфайли, иссиқхоналар эгалари томонидан мурожаатлар сонини ошиб кетишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ушбу муаммони бартараф этиш бўйича асосли таклифлар Навоий вилояти Ҳокимлигига юборилган ва маҳаллий Ҳокимият идоралари томонидан тегишинча қўллаб-қувватланганлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ОАВда чиқишлар сони 1тани ташкил қилган, жумладан “Kun.uz” электрон ОАВда тегишли журналистик суриштируви ўтказилиб, тегишли интервью берилган, маҳаллий Ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланган, ундан ташқари, журналистик суриштируви натижаларига кўра “Навоий ИЭС” АЖнинг расмий позицияси ушбу электрон ОАВ вакиллари томонидан ҳам ижобий деб баҳоланган.

2019 йилни 12 ойи давомида мурожаатлар билан ишлаш юзасидан жамоатчилик вакиллари олдида ҳисобот бир маротаба берилган, яъни 25.09.2019 йилдаги сайёр қабул давомида “Навоий ИЭС” АЖнинг меҳнат жамоасига батафсил маълумот ва ҳисобот берилган.

Шу билан бирга идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати борасида **жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар ўтказилмаган, сайёр қабуллар сони кам, телевидение ва радиода, босма ОАВ (газета ва журналлар) да чиқишлар сони деярли йўқлигини кўрсатиш мумкин.**

Мазкур ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра корхонани мурожаатлар билан ишлаш борасида мурожаатлар билан ишлаш аҳоли юзасидан ўрганишлар сонини кўпайтириш, мурожаатлар билан ишлашда нуксонга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли интизомий жавобгарлик чораларини белгилаш, идора тизимида энг кўп тушаётган масалалар бўйича таҳлиллар сонини кўпайтириш, таҳлиллар натижаларига кўра тегишли идораларга **таклифлар юборишни кўпайтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар ўтказиш, мурожаатлар билан ишлаш юзасидан жамоатчилик вакиллари олдида ҳисобот бериш, сайёр қабуллар сонини кўпайтириш, телевидение ва радиода, босма ОАВ (газета ва журналлар)да чиқишлар сонини ошириш лозим бўлади** деган хулосага келинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги НАМУНАВИЙ НИЗОМ”нинг 55-1-бандига асосан 2020 йил даврига мўлжалланган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларда сайёр қабул қилиш бўйича жадвалини ишлаб чиқиб мос равишда юқори турувчи “ИЭС” АЖ Бошқарув Раисидан тасдиқлашиб, ижро этилишини таъминлаш лозим бўлади.

Мазкур тадбирни “Навоий ИЭС” АЖнинг умумий масалалар бўйича директори О.Я.Худоёров, Касаба уюшма қўмита раиси Ахмедов Р. ва офис-менежер И.Норовлар томонидан амалга оширилади.

Ушбу ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил ўтказиш давомида “Навоий ИЭС” АЖга келиб тушган мурожаатларнинг барча йиғма жилдларидан фойдаланилди ва мазкур маълумотнома Бош директор, директорлар, бўлим бошлиқларига маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасини 4-бандига асосан веб-сайтга жойлаштирилиши учун тақдим қилинмоқда.

Маълумотномани тузувчи
Офис-менежер



И.Б.Норов